

**МАНЗУ: Хорижий инвестициялар
хақида тушунча ва унинг моҳияти.
Хорижий инвестицияларнинг шакл
ва турлари**

Муаллиф: Намозов Жўрабек

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Бекмуродов А.Ш., Қориева Ё.К. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. – 196 б.
2. Карриева Ё., Камалова Э., Очилова Н., Абдулакимов Г. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2011. – 250 с.
3. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.- Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
6. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини юксалтирадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 56 б.
7. Ғозибеков Д., Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2007.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.
9. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010.

МАНЗУ: Хорижий инвестициялар ҳақида тушунча ва унинг моҳияти. Хорижий инвестицияларнинг шакл ва турлари

Режа:

- 1. “Хорижий инвестициялар” фанининг предмети, мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.**
- 2. Инвестиция тушунчаси. Хорижий инвестицияларнинг мазмуни ва моҳияти.**
- 3. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усуллари.**
- 4. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш.**
- 5. Ўзбекистонда инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар.**

1. “Хорижий инвестициялар” фанининг предмети, мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги

“Хорижий инвестициялар” фанининг предмети лойиҳаларини молиялаштириш фаолиятини инвестициялаш жараёнида пайдо бўладиган ва мамлакат иқтисодий ўсишини жадаллаштириш учун молиявий ва кредит усулларини оширишга имкон берадиган иқтисодий муносабатлардир.

“Хорижий инвестициялар” фанининг мақсади бу хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишдаги молиявий, кредит муносабатлари, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этишни рағбатлантириш ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш, хорижий инвестицияларни жалб этишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тизимини ўргатишдан иборат.

“Хорижий инвестициялар” фанининг вазифалари куйидагилардан иборат:

1. Республикамизда хорижий инвестицияларнинг иқтисодий таркиби, мақсадини очиб бериш.

2. Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ўрнини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

3. Давлат молиявий ва пул–кредит сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишдаги таъсир даражасини аниқлаш.

4. Хорижий инвестицияларни жалб этишда тижорат банкларининг ўрнини ўрганиш.

5. Хорижий инвестицияларни жалб этишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари очиб бериш ва бошқалар.

“Хорижий инвестициялар” фани математик ва табиий-илмий (Олий математика, Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, Математик программалаштириш, Информатика ва ахборот технологиялари), умумкасбий (Иқтисодий назария асослари, Микроиқтисодиёт, Макроиқтисодиёт, Менежмент ва маркетинг асослари, Миллий ва жаҳон иқтисодиёти, Пул, кредит ва банклар ва ҳ.к.) ва ихтисослик (Молия, Банк иши, Суғурта иши, Молиявий ҳисоб, Аудит, Солиқлар ва солиққа тортиш, Молиявий менежмент ва ҳ.к.) фанлари билан узвий боғланган.

2. Инвестиция тушунчаси. Хорижий инвестицияларнинг мазмуни ва моҳияти.

Инвестиция – бу келажакда фойда ёки ижтимоий самара олиш учун инвестор томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш мақсадида маълум муддатга сарфланган барча турдаги моддий-техник ва интеллектуал бойликларга айтилади.

Инвестициялар қўйиладиган объектларга қараб реал, молиявий ва интеллектуал инвестицияларга бўлинади.

Асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар қўядиган барча турдаги бойликлар реал инвестиция деб тушунилади. Бунга банк кредити, лизинг, техника ва технологиялар ва бошқалар киради.

Инвесторлар томонидан қимматбаҳо қоғозларга қўядиган барча турдаги бойликларга молиявий инвестиция дейилади. Бунга акция, облигация, вексель ва бошқалар киради.

Интеллектуал инвестиция бу кадрлар тайёрлаш, илмий текшириш, таълим ва бошқа интеллектуал салоҳиятларга инвесторлар томонидан қўядиган барча турдаги бойликлардир.

Хорижий инвестиция – бу келажакда фойда ёки ижтимоий самара олиш учун хорижий инвестор томонидан бошқа мамлакатнинг иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида маълум муддатга сарфланган барча турдаги моддий-техник ва интеллектуал бойликларга айтилади.

Хорижий инвестициялар қўйиладиган объектларга қараб тўғридан-тўғри, портфель инвестицияларга бўлинади.

Асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар қўядиган барча турдаги бойликларга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция деб тушунилади.

Инвесторлар томонидан қимматбаҳо қоғозларга кўядиган барча турдаги бойликларга портфель инвестициялар дейилади.

Хорижий инвестициялар концессия ва компенсация шартномалари асосида мамлакатимизга жалб қилинади.

Халқаро статистика тажрибасида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг турлича тушунчаси қўлланилади. Масалан, Халқаро валюта фондининг таърифлашича, чет эл инвесторида корхона акциясининг камида 25 фоизи бўлсагина инвестициялар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобланади. АҚШ ва Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки статистикаси, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра эса, ками билан корхонанинг 10 фоизи акциясига эга бўлсагина, бундай инвестициялар тўғридан-тўғри инвестиция деб тан олинади.

3. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усуллари

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми ўз моҳиятига кўра икки муҳим жиҳати билан ажралиб туради.

Биринчидан, микродаражада молиялашнинг бозор механизми; иккинчидан, макроиқтисодий даражада давлатнинг иқтисодий механизмидир.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаш манбалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз молиявий маблағлари. Бунга фойда, амортизация ажратмалари, ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг пул жамғармалари ва бадаллари, акциялардан тушган маблағлар ва бошқалар киради.

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг қарзга олган молиявий маблағлари. Бунга банк кредити, лизинг, облигацияли, сертификатли, векселли ва бошқа хил қарзлар, халқаро кредитлар, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари киради.

3. Бюджетнинг молиявий маблағлари. Бунга республика ва маҳаллий бюджет маблағлари киради.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллариға қуйидагилар киради:

1. Бюджет усули.
2. Кредит ёки лизинг усули.
3. Ўз-ўзини молиялаш усули.
4. Аралаш усул.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

№	Расмий муассасалар номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
1.	Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради: -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш.
2.	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш

3.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	<p>-Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш;</p> <p>-инвестиция муҳитини ўрганиш;</p> <p>-хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш;</p> <p>-инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш;</p> <p>-чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш;</p> <p>-корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш</p>
4.	Молия вазирлиги	Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш.
5.	Адлия вазирлиги	Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш.

6.	Ташқи ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш.
7.	Ички ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш.
8.	Давлат солиқ қўмитаси	Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш.
9.	Марказий банк	Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш, қарз сиёсати.
10.	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш.

11.	«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест-интернешнл» қўшма корхонаси	Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш.
12.	«Ўзбекинвестлойиха» миллий инжиниринг компанияси	Дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш.
13.	Монополияга қарши курашиш қўмитаси	Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш. Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.

5. Ўзбекистонда инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар.

Инвестицион муҳит - инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларнинг йиғиндисига айтилади.

Ҳар қандай давлатга инвестицияларнинг кириб келишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- сиёсий ва иқтисодий барқарорлик;
- бозор ҳажми ва унинг кенгайиш истиқболлари;
- маҳсулот қиймати;
- иш кучи масаласи;
- мамлакатдаги қонунчилик.

Мамлакатимиздаги инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар уч гуруҳга бўлинади:

1) Сиёсий омил. Бунга давлатнинг хорижий инвестицияларга бўлган сиёсий муносабати, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси, давлатнинг сиёсий барқарорлиги ва бошқалар киради.

2) Иқтисодий омил. Бу иқтисодиётнинг умумий ҳолати, инфляция даражаси, валюта курсининг барқарорлиги, солиқ ва божхона имтиёзлари, ишчи кучларининг қиймати, товар ва хизмат турларига бўлган талаб ва таклиф, кредит баҳоси ва бошқаларни ўз ичига олади.

3) Ижтимоий омил. Бунда эса жамият аъзоларининг хорижий капитал ва хусусий мулкчиликни шаклланишига муносабати, аҳолининг билим даражаси, ишчи кучларининг ташкилотчилик қобилияти, урф-одат, анъаналар ва бошқалар эътиборга олинади.

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти куйидагилар билан хусусиятланади.

1. Ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжаланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

2. Импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади.

3. Кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадалаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди.

4. Корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроолантиради.

5. Табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к.